Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 10 ноябрь, № 236 (9407) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДА ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ЯНГИЛАНИШЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманига ташриф буюриб, «NURA Electric» электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи фаолияти билан танишди ҳамда электротехника тармоғида фаолият юритаётган тадбиркор ва инвесторлар билан мулоқот ўтказди.





Электротехника саноатида фаолият юритаётган тадбиркорлар ва хорижлик инвесторлар билан мулоқотда соҳада эришилган натижалар сарҳисоб қилиниб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологияларни ўзлаштириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича устувор вазифалар белгилаб олинди.

Қайд этилганидек, сўнгги ўн йилда мамлакатимиз электротехника саноатида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Тармоққа 2 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 413 та янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Маиший техника, қуёш панеллари, электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишли трансформаторлар каби 100 дан ортиқ турдаги янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Натижада жорий йилда электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 50 триллион сўмга етди. Ваҳоланки, 2016 йилда мазкур кўрсаткич 1,7 триллион сўмни ташкил этган. Тармоққа жалб қилинган йиллик инвестициялар 600 миллион долларга, экспорт ҳажми эса 1 миллиард 600 миллион долларга етказилди. Ўтган даврда экспорт 14 баробар ошди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари мавжуд салоҳият ва имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганини таъкидлади.

Юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари, энергия сақлаш қувватлари, йирик саноат ва инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Келгуси ўн йилда хорижлик ҳамкорлар билан иқтисодиётнинг турли тармоқларида 450 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш мақсад қилинган. Буларнинг барчаси электротехника маҳсулотлари учун катта ва узоқ муддатли бозорни шакллантирмоқда.

Президентимиз тармоқ олдидаги навбатдаги асосий вазифа ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш билан чекланмасдан, катта технологик сакрашни амалга оширишдан иборат эканини кўрсатиб ўтди.

Масалан, 2030 йилгача мамлакатимизда энергия сақлаш қувватларини 4,5 гигаваттга етказиш режалаштирилган. Хорижлик ҳамкорлар ушбу лойиҳаларда маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланишга тайёр. Бироқ айрим зарур ускуналар ҳозирча ўзимизда ишлаб чиқарилмаяпти.

Шунингдек, видеокузатув ускуналарига ички бозордаги йиллик талаб 200 миллион долларга етади, қўшни мамлакатлар бозорини ҳисобга олганда эса 600 миллион доллардан ошади. Банкоматларга ҳам эҳтиёж юқори. Ўтган йилнинг ўзида юртимизга 50 миллион доллардан ортиқ қийматдаги 9 мингта банкомат импорт қилинган.

Шу боис мазкур йўналишларда маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги технологиялар ва инвесторларни жалб қилиш вазифалари белгиланди.

Ҳудудлар кесимида ҳам юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Жумладан, Тошкент вилоятида энергия батареялари ва электроника учун юпқа мис фольгаси, Жиззахда электромобиллар учун инверторлар ва зарядлаш қурилмалари, Наманганда энергия тежамкор электр двигателлари, Қорақалпоғистонда серверлар учун узлуксиз электр таъминоти ва совитиш тизимларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислиги даврида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚҲЖ) 1993 йилда Марказий Осиё давлатлари томонидан ташкил этилган. Ўтган йилларда минтақа давлатлари ўртасида йўлга қўйилган ўзаро самарали ҳамкорлик ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг кўмаги туфайли жамғарма Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларини келишилган ҳолда бошқаришни таъминлашга эришди.

Марказий Осиёда сув тақчиллигининг кучайишига олиб келаётган иқлим ўзгаришлари ва сув истеъмоли кўпайиб бораётган бугунги шароитда жамғарманинг роли ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Ўзбекистон 2027 — 2029 йилларда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилади.

Тақдимотда ушбу давр мобайнида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ва эътибор марказида бўладиган масалалар кўриб чиқилди.

Сув ресурслари, экология ва ижтимоий-иқтисодий йўналишларни қамраб олган 133 та лойиҳа ишлаб чиқилгани таъкидланди. Хусусан, ушбу лойиҳалар доирасида сув хўжалиги иншоотларини модернизация ва реконструкция қилиш, сув ресурсларини тақсимлаш, ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш, гидрометеорологик маълумотлар мониторинги, тошқинлар ва қурғоқчилик бўйича прогнозлаш ҳамда эрта огоҳлантиришнинг минтақавий рақамли платформасини яратиш, аҳолининг ичимлик суви ва санитария хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш каби кўплаб чора-тадбирлар илгари сурилади.

Мазкур лойиҳаларнинг қиймати 3,3 миллиард долларни ташкил этади. Улар Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Яшил иқлим жамғармаси, Глобал экологик жамғарма ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар кўмагида молиялаштирилади.

Президентимиз ушбу лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш муҳимлигини таъкидлаб, келгуси йилда бажариладиган ишларга доир ойлар кесимида “Йўл харитаси”ни тасдиқлаш ва ижросини ташкил этишни топширди. Лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишга халқаро экспертлар, профессор-олимлар ҳамда хориждаги ватандошларимизни ҳам жалб қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТУРКИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) тадбирларида иштирок этиш учун 10-11 ноябрь кунлари Анталия шаҳрида бўлади.

Иқлим бўйича глобал саммитда давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари ҳамда юқори даражадаги делегациялар иштирок этади.

Анжуман кун тартибидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенциясининг асосий қоидаларини рўёбга чиқариш, замонавий экологик хатар ва таҳдидларга қарши курашиш ҳамда “яшил” тараққиёт мақсад ва вазифаларини илгари суриш борасида кенг кўламли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари саммитнинг ялпи сессиясида нутқ сўзлайди ҳамда қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон БМТнинг Ҳадли конвенциясига 1993 йилда қўшилган. 2018 йилда мамлакатимиз Париж битимининг иштирокчисига айланди.

ЎзА.

Ташриф

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Корея Республикаси Миллий Ассамблея Спикери Чо Чон Шик таклифига биноан расмий ташриф билан Корея Республикасида бўлиб турибди.

Ташриф доирасида Миллий Ассамблея Спикери Чо Чон Шик, “Корея — Ўзбекистон” парламентлараро ҳамкорлик бўйича гуруҳ раиси Ким Гё Хин ҳамда қатор давлат идоралари, таълим муассасалари ва йирик компаниялар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Мулоқотларда икки мамлакат парламентлараро муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, таълим, меҳнат ва инновациялар соҳаларидаги алоқаларини кенгайтириш, сунъий интеллект ҳамда ахборот технологиялари йўналишларида ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилиш назарда тутилган.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ЭЗГУ ҒОЯДАН ФАРОВОН ҲАЁТ САРИ

Ҳар қандай сиёсий ғоянинг қиймати охир-оқибат битта саволга тақалади: одамлар турмушида нималар ўзгарди? Шу боис “Янги Ўзбекистон” ва “Инсон қадри учун” тамойили ҳақида гап кетганда, уларнинг назарий таърифидан кўра амалий изига, натижасига кўпроқ эътибор берган маъқул.

Нуқтаи назар

Келинг, аввал тушунчаларни аниқлаб олсак. “Янги Ўзбекистон” ғояси давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатни тубдан қайта қуришга асосланади. Илгари фуқаро давлат идораси олдида кўпроқ илтимос қилувчи бўлиб турган бўлса, янги ёндашувда давлат инсонга хизмат қилиши керак. “Инсон қадри учун” тамойили эса ана шу ғоянинг амалий ўлчовидир. Ҳар бир ислоҳот, ҳар бир қарор ушбу савол билан текширилади: бу оддий инсон ҳаётини енгиллаштирдими, нима ўзгарди, лоақал шаънини ҳимоя эта олдими?

Мазкур тамойил, назаримда, қуруқ сиёсий шиор бўлиб қолмади. 2023 йил 30 апрелдаги умумхалқ референдумида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституция уни ҳуқуқий асосга кўчирди. Референдумда сайловчиларнинг 84,51 фоизи иштирок этган. Асосий қонундаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, нормалар 275 тадан 434 тага кўпайди. Энг муҳими, Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинди.

Лекин қоғоздаги норма бу ҳали ҳаётий воқелик дегани эмас. У туман ҳокимлигидаги ходимнинг муомаласида, мактабдаги ўқитувчининг маошида, шифохонадаги хизмат кўрсатиш сифатида ва бошқа кўплаб ўзгаришларда ўз аксини топгандагина ҳақиқий мазмун касб этади.

4

Биз ва жаҳон

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Иқлим ўзгаришига қарши курашиш бугун нафақат экологик зарурат, балки давлатларнинг иқтисодий рақобатбардошлиги, энергетика хавфсизлиги ва халқаро ҳамкорлик салоҳиятини белгилайдиган муҳим омилга айланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Туркиянинг Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) Ўзбекистон учун халқаро иқлим дипломатиясидаги иштирокини мустаҳкамлаш, “яшил” инвестицияларни жалб этиш ва барқарор иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда янги имкониятлар эшигини очади.

Сўнгги йилларда иқлим ўзгариши халқаро муносабатларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Глобал ҳароратнинг кўтарилиши, сув ресурсларининг камайиши, қурғоқчилик ва экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг кўпайиши давлатлардан нафақат миллий даражада чоралар кўришни, балки ўзаро келишилган халқаро сиёсат юритишни ҳам талаб қилмоқда. Айниқса, Марказий Осиё учун иқлим ўзгариши оқибатлари жиддий аҳамият касб этади. Минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чўлланишнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалигини янги иқлим шароитларига мослаштириш ва энергетика тизимини модернизациялаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон ушбу жараёнларда фаол иштирок этиб, иқлим масалаларини ташқи сиёсат, иқтисодий ислоҳотлар ва минтақавий ҳамкорлик билан узвий боғлашга интилмоқда. COP31 ана шу ёндашувни халқаро майдонда илгари суриш учун муҳим дипломатик платформа бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Париж битими иштирокчиси сифатида иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларни амалга оширишга қаратилган сиёсат юритмоқда.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 10 ноябрь

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДА ИНВЕСТИЦИОН ВА ИННОВАЦИОН ЯНГИЛАНИШЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Андижонда офис техникалари ва тайёр кабель тўпламлари, Тошкент шаҳрида серверлар, интерактив панеллар ва сенсорли датчиклар, Қашқадарёда телевизорлар учун электрон платалар ишлаб чиқариш имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бундай лойиҳалар ҳисобига ички бозор талабини қондириш билан бирга электротехника маҳсулотларининг экспортини 5 миллиард долларга етказиш имконияти мавжудлигини таъкидлади.

Бу борада тармоқни ривожлантиришнинг янги йўналишлари белгиланди.

Кейинги уч йилда электротехника ва унга боғлиқ саноат тармоқларида умумий қиймати 11 миллиард 600 миллион долларлик 164 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Улар энергетика инфратузилмаси, кабель, трансформатор ва насослар ишлаб чиқариш, саноат робототехникаси ва ускунасозлик, транспорт ва электромобиллар учун электротехника, электрон компонентлар ва микроэлектроника ҳамда маиший техника каби олтита асосий йўналишни қамраб олади.

Ҳар бир йўналишга масъул раҳбарлар ва асосий буюртмачилар бириктирилиб, таянч инвесторларни жалб қилиш, илмий марказлар ҳамда техника олийгоҳлари билан ҳамкорликни кучайтириш вазифаси қўйилди.

Юқори технологик саноатни ривожлантириш мақсадида Нурафшон шаҳрида “Келажак технологиялари маркази” ташкил этилади.

Ушбу марказда фаолият юритувчи корхоналарга IT-парк резидентлари билан бир хил имтиёзлар берилади. Роботлар, электроника ва технологик ускуналар ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ҳамда бутловчи қисмлар импорт божидан озод этилади. Мазкур йўналишдаги илмий ишланмалардан олинган даромадга солиқ солинмайди.

Илмий тадқиқотлар ва саноат ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш учун “Янги саноат” миллий платформаси ишлаб чиқилади. Шунингдек, ҳар бир ҳудудда тадқиқот ва ишланмалар маркази ёки технопарк негизида янги маҳсулотларни синовдан ўтказиш майдончалари ташкил этилади. Улар йирик саноат корхоналари билан кичик тадбиркорлар ўртасидаги кооперацияни кенгайтиришга хизмат қилади.

Мутасаддиларга робототехникани ривожлантириш бўйича қарор лойиҳасини ҳамда ускунасозлик ва электроника тармоқларини қўллаб-қувватлаш комплекс дастурини тайёрлаш топширилди.

Мулоқотда саноатни технологик ривожлантиришнинг муҳим шарти бўлган муҳандислик таълими ва малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирда техника олийгоҳларининг 20 нафар талаба ва тадқиқотчиси Кореядаги электроника корхоналарида таҳсил олмоқда. Яқин вақтда уларнинг сони 100 нафарга етказилади.

Келгуси йилдан “Бир минг муҳандис-конструктор” дастури бошланади. Унинг доирасида маҳаллий мутахассислар Корея, Япония, Хитой, Туркия ва Европа мамлакатларига малака ошириш учун юборилади. Нуфузли хорижий компанияларда ишлаётган юқори малакали ватандошларимизни мамлакатимизга жалб қилиш учун муносиб меҳнат ва иш ҳақи шароитлари яратилади.

Тадбирда соҳа корхоналарининг молиявий имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, қатор маҳаллий электротехника корхоналари ўз лойиҳалари учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 80 миллион доллар жалб қилган. Банк саноат корхоналарига яна 2-3 миллиард доллар ресурс ажратишга тайёрлигини билдирмоқда.

Ушбу имкониятдан кенг фойдаланиш мақсадида корхоналарни халқаро молия бозорлари билан ишлашга тайёрлаш, уларнинг фаолиятини баҳолаш ва халқаро консультантларни жалб этиш харажатларини қоплаш бўйича янги қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди. Хусусан, ҳар бир корхонага 50 минг долларгача компенсация ажратилади.

Давлат харидлари тизимида ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун қўшимча имкониятлар яратилади.

Бугунги кунда давлат харидлари доирасида ҳар йили 10 триллион сўмлик электротехника маҳсулотлари сотиб олинмоқда. Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида давлат буюртмаларини ягона платформада акс эттириш тизими жорий қилинди. Энди 1 январдан давлат харидларининг уч йиллик режалари олдиндан эълон қилиб борилади.

Шу билан бирга, давлат харидларида маҳсулотни фақат энг арзон нарх асосида танлаш амалиётидан воз кечиб, унинг бутун хизмат муддати давомидаги харажатларни ҳисобга олиш тизими жорий этилади. Бунда маҳсулотнинг харид нархи билан бир қаторда энергия сарфи, таъмирлаш, сервис ва фойдаланиш харажатлари ҳам баҳоланади.

Энергетика объектларини қуришда маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш мақсадида “Шаффоф қурилиш” платформасида мазкур соҳа лойиҳалари учун алоҳида майдонча ташкил этилади, пудратчиларга қўйиладиган талаблар лойиҳаларнинг технологик хусусиятларига мослаштирилади.

Ички бозорда маҳаллий электротехника маҳсулотларига талабни рағбатлантириш бўйича ҳам янги механизмлар белгиланди.

Энергетика соҳасидаги хусусий шериклик лойиҳаларида маҳаллий маҳсулотлар улуши камида 25 фоиз, кабель маҳсулотлари бўйича эса 70 фоиз бўлиши талаби амал қилмоқда. Эндиликда алоҳида солиқ ва бошқа имтиёзлардан фойдаланаётган ёки давлатдан арзон ресурс олаётган, қиймати 10 миллион доллардан юқори инвестиция лойиҳаларига ҳам ушбу талаблар татбиқ этилади.

Аҳоли учун қулайлик яратиш ва маҳаллий маиший техника савдосини рағбатлантириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган музлаткич, кир ювиш машинаси, кондиционер ва бошқа маиший техникалар харидлари учун йиллик 18 фоиз ставкада истеъмол кредитлари ажратиш тизими йўлга қўйилади.

Давлатимиз раҳбари мулоқот давомида хорижлик инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорларнинг электротехника саноатини янада ривожлантиришга қаратилган таклиф ва ташаббусларини тинглади.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев Юқори Чирчиқ туманидаги “NURA Electric” заводида ҳам бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнлари ва тайёр маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

“NURA Electric” юқори ва паст кучланишли электротехника ускуналарини тўлиқ технологик цикл асосида ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик корхонадир. Унинг фаолияти энергетика тармоғини маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш, импортга боғлиқликни камайтириш ва соҳада саноат кооперациясини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

20 гектар майдонда барпо этилган заводга 50 миллион доллар инвестиция киритилган. Бу ерда 1 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилиб, 1,5 мингдан зиёд турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жумладан, 0,4-500 киловольт кучланишли тақсимлаш қурилмалари, нимстанциялар, қайта тикланувчи энергия манбалари учун автоматика шкафлари, электр шиналар ва металл конструкциялар тайёрланмоқда. Корхонанинг йиллик қуввати 25 мингдан ортиқ ускуналарни ташкил этади.

Завод замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Хусусан, бу ерда Японияниng “Amada” компаниясига мансуб рақамли бошқарувли дастгоҳ ва пресслар, шунингдек, Туркиянинг “Durma” ва “Teslabend” компанияларининг юқори технологик ускуналари ўрнатилган. Уларнинг умумий сони 120 тадан ошади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнлари “SAP ERP” ягона рақамли платформаси орқали мувофиқлаштирилади. Жараёнларни оптималлаштириш ҳамда маҳсулот ва бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш ҳисобига маҳсулот таннархини 10 фоизгача пасайтиришга эришилган.

Мажмуада аккредитациядан ўтган синов лабораторияси фаолият юритмоқда. Маҳсулотлар халқаро ISO стандартлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилади. Корхона ускуналарни тўлиқ бутлаш, маҳсулотларни ўз лабораториясида синовдан ўтказиш ва кеча-кундуз сервис хизмати кўрсатиш имкониятларига эга.

Малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш мақсадида “Ўзэнергоинжиниринг” акциядорлик жамияти ва Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар йили университетнинг 100 нафардан ортиқ талабалари корхонада ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш амалиётини ўтайди.

Давлатимиз раҳбари заводда маҳаллий хомашё ва замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган трансформатор станциялари, тақсимлаш қурилмалари ҳамда бошқа энергетика ускуналари кўргазмасини кўздан кечирди.

Шунингдек, корхонада амалга оширилаётган ишлар, ишлаб чиқариш қувватлари ва истиқболдаги режалар юзасидан тақдимотлар билан танишди, ходимлар билан суҳбатлашиб, улар учун яратилган меҳнат шароитлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тинглади.

Президентимиз корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлар сифатини юқори баҳолади. Ички бозор талабини қондириш билан бирга Марказий Осиё ва бошқа хорижий бозорларга экспортни кенгайтириш, соҳага юқори малакали маҳаллий мутахассисларни жалб этиш юзасидан тавсиялар берди.

— Биз фақат маҳсулот эмас, инжинирнинг хизматларини ҳам экспорт қилишимиз керак. Бунинг учун ўзимизда шаклланаётган лойиҳалаштириш ва синов лабораториялари имкониятларидан кенг фойдаланишимиз зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Эҳтиёт ва бутловчи қисмлар турини кўпайтириш, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда сервис хизматлари кўламини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Энергетика соҳасидаги лойиҳаларда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, лойиҳаларни ишлаб чиқишда маҳаллий лойиҳа институтларининг улушини камида 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

— Ўзимизнинг лойиҳачиларимизга ишонишимиз, уларга шароит яратишимиз керак. Хорижда ўқиган, тажриба орттирган ёшларимиз бор. Уларнинг атрофида мутахассисларни бирлаштириб, буюртма билан таъминласак, бу соҳани ривожлантиришга қодирмиз, — деди Президентимиз.

Шу мақсадда ҳудудларда энергетика соҳасига ихтисослашган лойиҳа институтларининг филиаллари ташкил этилиши белгиланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
ЎзА мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тақдимотда Ўзбекистоннинг ОҚХЖга раислиги давридаги устувор масалалар ҳам муҳокама қилинди. Жамғарма тузилмаси ва шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни давом эттириш, унинг органлари ваколатларини аниқ тақсимлашни таъминлаш, Афғонистон билан конструктив ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади. Жамғарма кун тартибини Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари қарорлари билан уйғунлаштириш ва бошқа кўплаб масалалар эътибор марказида бўлади.

Шунингдек, жамғарма фаолиятини илмий-таҳлилий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бунда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети унинг ташаббусларини амалга оширишда илмий-таҳлилий платформа бўлади.

Шу мақсадда университет фаолияти трансформация қилинади. Таълим ва тадқиқот жараёнига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ишлари жадаллашади, экологик тикланиш ва сув тежамкорлиги бўйича тадқиқотлар кенгайтирилади, замон талабларидан келиб чиқиб илғор кадрларни тайёрлашга ёндашув кучайтирилади.

Хусусан, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича маълумотларнинг ягона базаси яратилади, чўлланишга қарши минтақа олимлари билан қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилиб, инвестиция ва грант маблағлари жалб қилинади, Марказий Осиё ва Афғонистон учун сув хўжалиги бўйича бакалавриат ва магистратура дастурлари ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга Ўзбекистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислиги даврида режалаштирилган чора-тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш, бунда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан қўшни давлатлар билан алоқаларни янада фаоллаштириш, вилоят ҳокимларининг иштирокини таъминлаш, қўшма таълим ва тадқиқотлар орқали минтақада сув дипломатиясини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан қатор топшириқлар берди.

ЎзА.

Қардошлик ришталари

ЎЗБЕК – ҚОЗОҚ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбек ва қозоқ халқлари — тили, дини ва маданияти билан бир-бирига чамбарчас боғланган эллар. Аждодларимиз минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб, ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини, яхши-ёмон кунларни биргаликда бошдан кечириб, тақдирдош бўлиб келишган. Бу қардошлик кейинги йилларда айниқса мустаҳкамланиб, янгича мазмун ва руҳ билан бойиб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг сиёсий иродаси ва амалий ҳаракатлари ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Хусусан, ижодкор зиёлиларимизнинг яқин ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимизда ўзаро адабиёт ва маданият кунларининг ўтказилиши эзгу анъанага айланди. Юртимизда нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламининг 10 жилди қозоғистонлик муаллифлар ижодига бағишланган. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг “Туркий олам адабиёти” лойиҳаси доирасида қардош мамлакатларнинг ўнлаб адиблари қаторида Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Хайриддин Султон, Назар Эшонқул, Абдуқаюм Йўлдошев каби ёзувчиларимиз, истеъдодли шоирларимизнинг асарлари қозоқ тилида нашр этилмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Туркий маданият ва мерос фонди, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмалари ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Туркий дунёнинг маънавий мероси: адабиёт — даврлар ва авлодлар мулоқоти” халқаро форуми бу борада муҳим аҳамият касб этди. Анжуман давомида ижодий суҳбатлар, мушоира ва маҳорат сабоқлари, тақдимотлар уюштирилди, истиқболдаги режалар муҳокама қилинди. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 34-умумтаълим мактабига таниқли қозоқ ёзувчиси Раҳматулла Райимқулов номи берилиб, қизиқарли ва сермазмун учрашувлар бўлиб ўтди.

Бу каби маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мереке Кулкеновнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Оқсоқол адиб эллик йилдан зиёд ижодий ва ижтимоий фаолиятини умумтуркий дўстлик ва қардошликни, минтақамиз адабий муҳитини равнақ топтиришга бағишлаб келмоқда.

Атоқли ижодкор ва жамоат арбоби шу кунларда табаррук 75 ёшга тўлди. Ўзбекистон Президентининг фармонига биноан яхши қўшничилик, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, ўзаро ҳурмат ҳамда бағрикенглик руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти, мамлакатларимиз халқларининг кўп асрлик дўстлик ва ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан хизматлари учун Мереке Кулкенов Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

> **Ижодкор зиёлиларимизнинг яқин ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимизда ўзаро адабиёт ва маданият кунларининг ўтказилиши эзгу анъанага айланди. Юртимизда нашр этилган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламининг 10 жилди қозоғистонлик муаллифлар ижодига бағишланган.**

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг Олмаота шаҳридаги Бош консулхонасида бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов Мереке Кулкеновга давлатимизнинг юксак мукофотини топширди ва Президентимиз табригини анжуман иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.

Мереке Кулкенов юксак эътибор учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевга ўз номидан ва Қозоғистон ижодий жамоатчилиги номидан чуқур миннатдорлик билдирди.

Маълумки, Президентимизнинг 2026 йил 5 февралдаги “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизда ва чет элларда бу борада илмий-маърифий тадбирлар ўтказиш вазифаси белгиланган. Ҳозирга қадар АҚШ, Буюк Британия, Франция, Испания, Эстония каби давлатларда мавзуга оид илмий конференциялар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойишлари бўлиб ўтди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг шонли санаси муносабати билан Олмаота шаҳридаги “Алатов” кинотеатрида ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган “Улуғ амир ва донна Мария” фильми томошабинларга тақдим этилди. Унда қозоғистонлик давлат ва жамоат арбоблари, тарихчи олимлар, адабиёт, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, сценарий муаллифи Хайриддин Султон ҳамда картинанинг бадиий раҳбари, кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов иштирок этди.

Кенг кўламли тарихий ва замонавий жараёнларни қамраб олган, таниқли ўзбек ва хориж актёрлари суратга тушган мазкур фильм томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Қозоқ диёрида бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотлар муштарак ўтмиш ва келажак билан боғланган халқларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлик янада мустаҳкамланиб бораётганини яна бир бор исботлади.

Ориф ОДИЛОВ.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

1 Мамлакатда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, энергия самарадорлигини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва иқтисодиёт тармоқларида экологик барқарорликни таъминлаш бўйича ислоҳотлар олиб бориляпти. Бу жараёнда иқлим дипломатияси алоҳида ўрин тутади. У илғор технологияларни жалб этиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва минтақавий ташаббусларни илгари суришни ҳам ўз ичига олади.

Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилашга қаратилган ташаббуслари бунга яққол мисолдир. COP31 доирасида ушбу тажрибани халқаро ҳамжамиятга тақдим этиш, Оролбўйида амалга оширилаётган лойиҳалар учун қўшимча молиявий ва технологик ресурсларни жалб қилиш имкониятлари мавжуд.

Яна бир жиҳати, бугунги кунда “яшил” иқтисодиётга ўтиш Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизнинг бу борадаги сиёсати ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш ва инновацион технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган. Хусусан, қуёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ушбу ўзгаришларнинг амалий ифодасидир. Мамлакатда мазкур энергияларга ўсиб бораётган талаб қайта тикланувчи энергетикага инвестиция киритиш учун қулай шароит яратади.

Шу билан бирга, “яшил” иқтисодиёт фақат энергетика соҳаси билан чекланмайди. Саноат корхоналарида энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, сувни тежайдиган суғориш тизимларини кенгайтириш, экологик транспортни ривожлантириш ва чиқиндиларни қайта ишлаш ҳам ушбу жараённинг ажралмас қисмидир.

Бироқ “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш катта ҳажмдаги инвестицияларни талаб қилади. Шу сабабли иқлим молияси COP31 кун тартибида Ўзбекистон учун энг муҳим масалалардан бири бўлиши мумкин. Хусусан, “яшил” облигациялар, имтиёзли кредитлар, грантлар, давлат-хусусий шериклик механизмлари ва халқаро иқлим жамғармалари орқали молиялаштириш манбаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан COP31 Ўзбекистон учун аниқ инвестициявий таклифларни халқаро ҳамкорларга тақдим этиш ва янги шериклик муносабатларини шакллантириш майдонига айланади.

Шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиё минтақасида сув ресурслари, трансчегаравий дарёлар, энергетика тизимлари ва қишлоқ хўжалиги ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон бу борада кўп томонлама мулоқотни мустаҳкамлаш, сув ва энергетика соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича қўшма ташаббусларни илгари суриш имкониятига эга.

Иқлим сиёсати самарадорлиги эса фақат “иссиқхона газлари” чиқиндиларини қисқартириш билан ўлчанмайди. Унинг муҳим мезонларидан бири аҳоли ҳаёти ва иқтисодиётнинг иқлим хавфларига нисбатан бардошлилигини оширишдир.

Ўзбекистон шароитида бу, аввало, сув танқислигига мослашиш, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни сақлаш, иссиқлик тўлқинларининг аҳоли саломатлигига таъсирини камайтириш ва табиий офатларга тайёргарликни кучайтиришни англатади.

Қолаверса, халқаро иқлим конференцияларининг аҳамияти уларда қабул қилинган баёнотлар билангина эмас, балки эришилган келишувларнинг амалда қандай бажарилиши билан ҳам белгиланади. Шу боис Ўзбекистоннинг COP31 доирасидаги иштирокини аниқ иқтисодий ва институционал натижаларга йўналтириш муҳим. Бунда инвестицияга тайёр “яшил” лойиҳалар портфелини шакллантириш, халқаро молиялаштириш механизмларидан фойдаланиш салоҳиятини ошириш ва давлат ҳамда хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор вазифалар бўлиб қолмоқда.

COP31 Ўзбекистон учун халқаро иқлим дипломатиясидаги иштирокини янги босқичга олиб чиқиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнини жадаллаштириш имконияти бўлиб, эндиликда асосий вазифа глобал иқлим ташаббусларини миллий иқтисодиётнинг аниқ эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш, халқаро келишувларни амалий лойиҳаларга айлантиришдан иборат.

Сурия ТЎРАЕВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Халқаро иқтисодиёт кафедраси доценти.

Шу йил якунига қадар Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида «Ягона криминоген маълумотлар платформаси» синов тариқасида ишга туширилади ва 2028 йилдан бошлаб у юртимизнинг барча ҳудудида босқичма-босқич жорий этилади.

ИҚТИСОДИЙ ЗАРУРАТ ВА ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ

Глобаллашув шароитида меҳнат миграцияси дунё иқтисодиётининг ажралмас қисмига айланди. Инсонлар муносиб иш, юқори даромад, касбий ўсиш ва фаровон ҳаёт излаб бир мамлакатдан бошқасига йўл олялпти. Бугун дунёда 168 миллион киши хорижий меҳнат миграциясида иштирок этмоқда. Бу жараён, бир томондан, давлатлар иқтисодиёти учун қўшимча меҳнат ресурслари ва янги имкониятлар яратса, иккинчи томондан, меҳнат бозоридаги рақобат, ижтимоий инфратузилмага босим ҳамда интеграция билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Мулоҳаза

Ҳар нарсанинг икки тарафи бўлганидек меҳнат миграциясининг ҳам яхши ва ёмон томонлари бор. Мисол учун, ишчи кучи етишмайдиган давлатлар учун мигрантлар иқтисодий фаолликни таъминловчи муҳим ресурс. Расмий иш билан таъминланган мигрантлар солиқ ва ижтимоий тўловлар орқали Давлат бюджетига ҳам ҳисса қўшади. Бундан ташқари, миграция янги билим ва тажриба алмашинуви учун ҳам имконият яратади. Хорижда ишлаган инсон замонавий технологиялар, меҳнат маданияти, бошқарув усуллари ва касбий кўникмаларни ўзлаштириши мумкин. Энг муҳими, мазкур тажриба ўз юртига қайтгач, иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарали қўлланилиши мумкин.

Бироқ масаланинг иккинчи томони шуки, мигрантлар оқими ҳаддан ташқари тез кўпайган, меҳнат бозори ва ижтимоий инфратузилма бунга тайёр бўлмаган шароитда иш ўринлари учун рақобат кучаяди. Айрим касбларда иш ҳақи пасайиши, уй-жойга талаб ортиши, мактаб, боғча ва тиббиёт муассасаларига юклама кўпайиши мумкин. Тил ва маданий тафовутлар, жамиятга мослашишдаги қийинчиликлар ҳам ижтимоий кескинликни юзага келтириши эҳтимолдан холи эмас.

Ўзбекистонда ҳам меҳнат миграциясига муносабат сифат жиҳатдан ўзгариб боряпти. Энди асосий эътибор фуқароларни шунчаки хорижга ишга юборишга эмас, балки уларни аниқ иш ўринлари, касбий малака ва тил талабларига мувофиқ тайёрлашга қаратилмоқда.



2 ноябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган йиғилишда бу борадаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, шу пайтгача тартибли меҳнат миграцияси бўйича учта давлат билан ҳамкорлик қилинган бўлса, бугун уларнинг сони 27 тага етиб, йирик хорижий иш берувчилар сони қарийб 400 тага кўпайган. Эътиборли жиҳати, чет элда ишлаётган юртдошларимиз нуфуси сўнгги ўн йилда икки баравар камайгани ҳолда, уларнинг оилаларига юбораётган маблағлари тўрт карра ошган. Бу эса меҳнат миграциясида микдордан кўра сифат, яъни юқори малакали ва даромадли иш ўринларига жойлашиш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини англатади.

Меҳнат миграциясининг иқтисодий самараси фақат пул ўтказмалари билан ўлчанмайди. Унинг ортида инсон тақдири, оила фаровонлиги, фарзандлар тарбияси ва ижтимоий ҳимоя каби муҳим масалалар турибди.

Жорий йилнинг ўтган даврида хориждан 1 млн. 116 минг киши қайтган бўлса, уларнинг орасида саноат, қурилиш, логистика ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тажриба орттирган мутахассислар бор. Галдаги энг катта вазифа бу салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун қайтган фуқаролардан йил якунигача 250 минг нафарига муносиб иш топиш масаласидир.

Чунки хорижда орттирилган тажриба ўз юртида ишлатилмаса, унинг иқтисодий ва ижтимоий самараси тўлиқ намоён бўлмайди. Қайтиб келган инсонни яна иш излашга мажбур қилиш эмас, балки унинг малакаси ва тажрибасини мамлакат тараққиётига йўналтириш керак.

Яна бир муҳим жиҳат — хорижда ишлаган даврда орттирилган меҳнат стажи ва пенсия ҳуқуқини тан олиш масаласи. Бугун юртдошларимиз 40 дан зиёд давлатларда қонуний меҳнат қилиб, пенсия бадалларини тўламоқда. Икки томонлама битимлар эса фақат Қирғизистон, Озарбайжон ва Туркия каби давлатлар билангина имзоланган, холос. Ушбу фактнинг ўзиёқ бошқа мамлакатлар билан ҳам шундай келишувларга эришиш заруратини кўрсатади.

Демак, миграцияни фақат ишчи кучининг бир мамлакатдан бошқасига ҳаракати сифатида баҳолаш даври ўтди. Бугун у иқтисодий тараққиёт, демографик мувозанат, ижтимоий барқарорлик ва миллий манфаатлар билан бевосита боғлиқ стратегик жараёндир.

Назорат қилинмайдиган мигрантлар оқими тараққиёт ҳам, муаммо ҳам эмас. Муҳими — давлатнинг бу жараённи қай даражада оқилона бошқара олишида. Бу эса одамларни шунчаки иш билан таъминлаш эмас, балки уларнинг меҳнати қадрланадиган, ҳуқуқлари ҳимоя қилинадиган, касбий салоҳияти рўёбга чиқадиган шароит яратишда намоён бўлади. Шундагина миграция иқтисодий заруратдан тараққиёт омилига, меҳнат ресурсларининг ҳаракатидан инсон капитали юксалишига хизмат қиладиган жараёнга айланади.

Кобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.

Фракциялар ҳаёти

АҲОЛИ ИШОНЧИ, ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОРЛИГИ – МУҲИМ МЕЗОН

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Фуқаролар маблағлари ишончли ҳимоя қилинади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида “Кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси обдан муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат фуқароларнинг уй-жой қурилишига киритган маблағларини ишончли ҳуқуқий ва молиявий механизмлар орқали ҳимоя қилишга, бу борада замонавий, самарали ва шаффоф тизим яратишга, маблағларни қонунда белгиланмаган усулда жалб этиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган бўлиб, унда фуқароларнинг улушли қурилишга киритган маблағларини кафолатли ҳимоя қилиниши механизмлари белгиланмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари — Шуҳрат Шарафутдинов, Екатерина Смесова, Дилмурод Артиқов ва Ҳусан Ярқулов қонун лойиҳасининг айрим моддалари бўйича бир қатор аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар эса кўтарилган масалалар бўйича атрофлича тушунтириш бериб ўтди.

Фракция аъзоси Нуриддин Султонов қонун лойиҳасининг зарурати ҳақида тўхталар экан, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан муайян ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда “Урбанизация соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди. У билан урбанизация жараёнларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарларнинг жамият ва иқтисодиёт ривожидаги ролини ошириш, аҳолининг турмуш тарзини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ҳамда экологик муҳит ва шаҳар инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳоли пунктларини ҳудудларни комплекс ривожлантириш асосида мутаносиб режалаштириш шаҳарсозликда асосий принциплар сифатида белгиланяпти.

— Ушбу ҳужжат урбанизация жараёнини самарали бошқариш, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш, шаҳарсозлик соҳасида идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда аҳоли учун қулай ва экологик барқарор яшаш муҳитини шакллантиришга хизмат қилади, — деди фракция аъзоси Одилжон Мамадалиев. — Шу боис



лойиҳанинг долзарблиги ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватладик.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қурилишга киритилган улушлар кафолатли мустаҳкамланмоқда

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда. Унда улушли қурилиш муносабатлари иштирокчиларининг, давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари, ўзаро муносабатларига оид қоидалар аниқ белгиланяпти. Жумладан, бундай қурилишларга жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини жалб қилишга оид муҳим қоидалар назарда тутиляпти. Фуқароларнинг улушли қурилишга киритган маблағларини кафолатли ҳимоялаш механизмлари белгиланмоқда. Яъни фуқароларнинг пул маблағлари тўғридан-тўғри қурувчи ихтиёрида эмас, балки банкларда очиладиган “эскроу” ҳисобварағи орқали сақланади. Қурилиш белгиланган талаблар асосида амалга оширилиб, объект фойдаланишга топширилганидан кейин маблағлар қурувчига ўтказилади.

Шунингдек, қурувчи фақат қонунда белгиланган талабларга жавоб берган, Ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтган, ваколатли банк билан бош битим тузган ва лойиҳа декларациясини эълон қилган тақдирдагина аҳоли маблағларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлиши таклиф этиляпти.

Бундан ташқари, улушли қатнашиш шартномаси нотариал тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Бу бир объектнинг такроран сотилиши, ноқонуний шартномалар тузилиши каби ҳолатларнинг олдини олади. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида қурилишни ўз вақтида якунига етказишга қаратилган таъсирчан механизмлар назарда тутилмоқда. Хусусан, зарур ҳолларда ваколатли банкни ёки қурувчини алмаштириш, қурилишнинг узлуксиз молиялаштирилишини таъминлашга қаратилган молиявий механизмлар яратилмоқда. Бу эса қурилишнинг тўхтаб қолишининг олдини олиш ва улушдорлар манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.

Йиғилишда қонун лойиҳасининг “70 га 30” қоидаси қизғин муҳокама этилди. Унга кўра, уй қурилишининг камида 70 фоизи банк кредити, кўпи билан 30 фоизи эса қурувчининг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади. Натижада банкларнинг роли кучаяди, банк лойиҳани молиявий ва техник жиҳатдан назорат қилади, кредитни эса уй улушдорларга топширилгандан кейингина қайтариб олади.

Фракция аъзоси Фарҳод Зайниевнинг айтишича, бу қоида улушдорни ҳимоя қилиш механизмини янада мустаҳкамлайди. Яъни қурилиш қурувчининг молиявий аҳволига боғлиқ бўлиб қолмайди ва ярим йўлда тўхтамайди.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Суд амалиётидаги айрим ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этилади

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали самарали ҳимоялаш, суд ишларини юритишдаги айрим ҳуқуқий бўшлиқ ва қарама-қаршиликларни бартараф этишга қаратилган.

Лойиҳа билан Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги ва “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Хусусан, ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган тақдирда суд бошқарувчисига тўланадиган ҳақ миқдорини камайтириш, тўловга қобилиятсизлик ишлари доирасида қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан шикоят бериш имкониятларини кенгайтириш, иш қўзғатиш ҳақидаги аризани кўрмасдан қолдириш асосларини белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, судгача санация қилиш, муваққат ва санация қилувчи бошқарувчиларни вазифасидан озод этиш тартибларини аниқлаштириш таклиф этилган. Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларидаги хатоликларни суд тартибида аниқлаш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишнинг процессуал тартибини белгилаш ҳам қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Фракция аъзоси Зуҳриддин Мавлоновнинг таъкидлашича, таклиф этилаётган ўзгартиришлар суд амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ҳамда аҳолининг одил судловга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотлар, рақамлаштириш ва коррупциянинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан парламент сўровини юбориш масаласи ҳам муҳокамага тортилди. Сўровга келадиган жавобда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг халқаро талабларга тўлиқ мос бўлишини таъминлаш, сертификатлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида депутатлар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уларни қўллаб-қувватлади.

Долзарб қонун лойиҳалари муҳокамаси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб “Кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, унда ахборот субъектлари, ваколатли банк, девелопер, ихтисослашган қурувчи, лойиҳа декларацияси, улушдор ва улушли қурилиш каби тушунчаларга аниқ ҳуқуқий таърифлар берилган.

Муҳокамада депутатлар қурилиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари учун белгиланаётган ҳуқуқий талаблар билан бир қаторда, фуқароларнинг уй-жой сотиб олишдаги ҳуқуқлари ва маблағлари хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, фракция аъзолари Анвархон Темиров ва Шарофиддин Назаров қонун лойиҳасининг 41-моддасида белгиланаётган молиялаштириш тартиби юзасидан фикр ва таклифларини билдирди. Унга кўра, қурилиш ишлари умумий қийматининг кўпи билан 30 фоизи девелопер ва ихтисослашган қурувчининг ўз маблағлари, камида 70 фоизи эса лойиҳавий молиялаштириш асосида амалга оширилиши назарда тутилмоқда.



Шунингдек, амалиётда бир хонадоннинг бир нечта фуқарога расмийлаштирилиши ёки қурилиш учун тўланган маблағларнинг қайтарилмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар ҳам муҳокама марказида бўлди. Депутат Сайёра Имомова қонун лойиҳасида бундай ҳолатларнинг олдини олиш механизмлари қай даражада акс этгани билан қизиқди. Фракциянинг яна бир аъзоси Дилбар Мамажонова эса кадастр органлари зиммасига юклатилаётган вазифаларга аниқлик киритишни сўради.

Масъулларнинг тушунтиришларидан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, “Яйловлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича кўриб чиқилди. Унда яйловлардан фойдаланиш йўналишларини кенгайтириш, чорвачилик билан бир қаторда экотуризм, асаларичилик ва доривор ўсимликлар етиштиришни ривожлантириш таклиф этилмоқда.

Аҳоли хонадонларининг яйловлардан қонуний фойдаланишини таъминлаш мақсадида жамоат яйловлари институтини жорий қилиш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, депутатлар миграция хизматлари фаолиятини такомиллаштириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқди.

Якунда кун тартибидаги масалалар юзасидан электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Яйловдан фойдаланиш йўналишлари кенгайтирилмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Яйловлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан яйловдан фойдаланиш йўналишлари кенгайтирилиб, чорвачиликдан ташқари экотуризм, асаларичилик, доривор ўсимликлар етиштириш каби янги даромадли йўналишларда ҳам фаолиятга рухсат берилмоқда. Шунингдек, яйловлардан фойдаланишнинг янги нормалари ва нормативларини жорий қилиш, уларни тоифаларга ажратиш таклиф этилмоқда. Яна муҳим жиҳатлардан бири — қонун лойиҳасида кудукларни гидрогеологик хулосалар асосида белгиланган мақбул жойларда қазиш ва улардан фойдаланишнинг аниқ тартиби назарда тутилмоқда. Аҳоли хонадонларининг яйловлардан қонуний ва қулай фойдаланишини таъминлаш мақсадида жамоат яйловлари институтини жорий этиш ҳам таклиф қилинмоқда.

— Қонун лойиҳасида яйловларни рақамли ҳисобга олиш, уларнинг ҳолатини мунтазам кузатиб бориш ва назорат қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, — дейди фракция аъзоси Ойбек Отамуродов. — Жумладан, “E-yaylov” электрон платформасини ишга тушириш, мониторинг жараёнларида сунъий интеллект, геоахборот технологиялари ва сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланиш назарда тутилмоқда. Бу орқали яйловлар ҳолатини баҳолаш, деградация жараёнларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш чораларини белгилаш имконияти кенгаяди.

Муҳокама давомида қонун лойиҳасида назарда тутилган нормаларнинг яйловлар деградациясининг олдини олиш, тупроқ ва ўсимлик қопламини сақлаш, биологик хилмахилликни муҳофаза қилиш, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий аҳоли учун қўшимча иқтисодий имкониятлар яратишдаги аҳамиятига эътибор қаратилди.

Йиғилишда билдирилган фикр ва таклифлар атрофлича муҳокама қилиниб, қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

Ислоҳотлар — менинг тақдиримда

ХАЛҚ ҒАМИДАН ЎЗГА ҒАМИ ЙЎҚ

Пахтачиликда забт этилган зафар муносабати билан Президентимиз йўллаган табрик бизнинг жамоа деҳқонларини ҳам бениҳоя қувонтирди. Сабаби, қутловда хўжалигимиз ҳосилдорликни 110 центнерга етказган иккита фермер хўжалигининг бири сифатида алоҳида тилга олинди. “Президентимиз бизни биларкан!” дея хурсанд бўлишди хўжалигимиз аъзолари.

Яшириб нима қиламиз: илгари пахта йиғим-теримига икки-уч ой вақт кетарди. Бу йил баракали ҳосилни йиғиштириб олиш учун 10 — 12 кун кифоя қилди. Пахтанинг ҳаммасини техника ёрдамида йиғиштириб олдик.

Эсингиздами, мустақилликнинг дастлабки йилларида пахтани машиналарда териб олиш йўқола бошлаганди. Нима эмиш, комбайнда терилганда сифат йўқолармиш?!. Президентимизга минг раҳмат, механизация деҳқоннинг оғирини енгил қилиши мумкинлигини ҳаётда исботлаб бердилар. Чигитни ерга қадаб, ҳосилга киргунча барча юмушларни адо этиш бўйича тизим яратилди, тартиб ўрнатилди. Ана шундай оқилона сиёсат туфайли ҳосил етиштиришда асосий фигура деҳқон бўлди.

Президентимиз табригидан сўнг фермер хўжалигимизда чинакам тўй бўлиб кетди. Дўстлик туманидаги “Эшниёз бобо” фермер хўжалиги раҳбари Муртазоқул Бўтаев шогирдим ҳисобланади. Бизни табриклагани у ҳам келди. Унинг далаларида гектаридан 96,2 центнердан ҳосил олинибди. Биз ҳам шогирдни бу ютуқ билан табрикладик. Муртазоқул етиштирилган ҳосилни бир ҳафтада йиғиштирибди. Даромад ҳам шунга яраша. 2,7 миллиард сўм тушумнинг 1,6 миллиарди соф фойда бўлибди.

Бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш учун ўтмишни унутмаслигимиз керак. Қаранг, илгари пахтадан олинган даромадимиз 1 миллиард сўмга етар-етмас бўларди. Бу йил 4 миллиард сўм бўлиши кутиляпти. Мазкур ютуқларимиз Янги Ўзбекистонни яратиш йўлидаги муваффақиятимизга далолатдир.

Президентимиз ҳаётга татбиқ этаётган ислоҳотларнинг туб замирида, аввало, инсон фаровонлиги, унинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш мақсади ётади. Бугунги пахта далаларига назар ташланг. Самарали меҳнат натижасида она замин бутун саховатини деҳқонга ҳадя қилгандек. Илгари 90 сантиметрлик схемада чигит эккан бўлсак, энди 76 сантиметр ўлчовида қўшқатор уруғ қададик. Ҳосил



туплардан олинади, деган ҳикматнинг натижасини бодрокдек очилган пахта далалари мисолида кўрдик.

Аслида бугунги ҳолатни аввалги манзара билан таққосласак, ер ва осмонча фарқни кўрамиз. Бутун Ўзбекистон “тотал сафарбарлик”-ка даъват қилинар, ҳашарчиларни далада ишлатиш учун кетган харажатнинг ўзи қимматга тушарди. Шаҳарда аҳоли хизматида бўлган автобуслар одам ташишга юборилар, уларнинг ўрнини ҳеч нарса босолмасди. Йиғим-теримга талабалар, ҳарбийлар, маҳалла вакиллари, хатто нуронийлар сафарбар этиларди. Ҳашарчиларга мослаштирилган бараклар хароб аҳволда бўлиб, одамлар саломатлигига кафолат йўқ эди.

Кундалик маълумот кўрсаткичлари ярим тунда пахта қабул қилиш пунктларида аниқланарди. У замонларда гектаридан 40 центнер ҳосилдорликка эришган жамоалар юқори ўринларда турса-да, деҳқоннинг косаси оқармасди.

Президентимиз узоқни кўра билиши ва қатъияти туфайли бугунги ажойиб натижаларга эришдик. Давлатимиз раҳбари телевидение орқали гапириб берганди: Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон “Ҳосилдорликни 80 центнерга етказамиз” деган ўзбек деҳқони сўзига ҳайратланиб “Ахир шароитларимиз бир-бирига яқин-ку, бу одам нима деяпти?” деб сўрабди. Ҳолбуки, юртимизнинг илғор фермерлари 100 центнерлик маррадан ўзиб кетиши оддий ҳол эди.

Давлатимиз раҳбари халқ билан учрашганларида “Илм, таълим, муаллим” сўзларини айтганида фақат мактабни назарда тутмаган. Ҳамма ишларимизда, ҳамма соҳада илмий ёндашув, инновация яқин кўмакчимиз бўлиши назарда тутилган. Янги усулда чигит экиб, ҳосил тўплаганимизда илғор технологиялар бизга қанот бўлди. Эндиликда ғўза чопиғида, ўтоқда, яганада, экинни суғоришда жуда катта тежамкорликка эришяпмиз. Кўзланганидан юқори ҳосилни деҳқонлар гўё мавжуд далаларимизга қўшимча майдон қўшилганлиги билан қиёслашяпти.

Етиштирилган ҳосилни сотишда монополлашувдан қутулганимиз ажойиб иш бўлди. Юртбошимиз яратган эркинлик бизга катта имкониятлар берди. Пахта харид нархлари ҳам барчамизни мамнун этди. Биздан сўрашарди: “Миллиардлаб пулни сандиққа соласизми!” дейишганда унга жавобан айтардик: “Сармоянинг асосий қисмини янги иш ўрни яратишга сарфлаяпмиз. Бу орқали даромадимизга яна барака киради”.

Дала ишларида меҳнат қилаётганимга 46 йил бўлган бўлса, шунча йил давомида бу йилгидай рекорд ҳосилни кўрмаган эдим. Спортчиларимиз жаҳон ареналарида янги рекордларни қайд этаётган паллада биз ҳам ортда қолмасликка интиляпмиз.

Узоқ вақт Сирдарё ва Жиззах вилоятлари мамлакат миқёсида айтганда пахтачиликда охирида юрарди. Бу йил вилоятимиз эришган натижалар ҳам бизнинг жамоа ютуқлари тасодиф эмаслигини кўрсатди. Бу йилги йиғим-терим мавсумида вилоят бўйича кунига 300 та терим машинаси ишлаб турди. Ҳосилнинг ҳаммаси техника ёрдамида териб олинди.

2026 йилда эришган натижаларимиз Янги Ўзбекистон имкониятларини намоён этганидан ташқари келгусида қўлга киритиладиган ютуқларимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз ҳар бир ташаббуси, ҳар бир сиёсатида фақат халқимиз ҳаёти яхшиланиши, одамлар розилигини таъминлаш ҳақида ўйлайди. Бундай ғамхўрликка жавобан ҳар қанча фидойилик кўрсатсак, юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун ғайрат-шижоат намуналарини намоён этсак арзийди.

Анорбой ЭШМАТОВ,
Жиззах вилоятининг Пахтакор туманидаги «АнварА» фермер хўжалиги раҳбари,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Эндиликда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш оқибатида инсон ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказган шахсдан моддий ва маънавий зарарни қоплаш билан бирга, суд қарори асосида қўшимча товон ҳам ундирилиши мумкин.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 10 ноябрь

ЭЗГУ ҒОЯДАН ФАРОВОН ҲАЁТ САРИ

1

Инсон қадри қаердан бошланади?

Ўйлашимча, инсон қадри, аввало, унинг сўзи тингланишидан, инобатга олинишидан бошланади. 2016 йил 24 сентябрда ишга тушган Виртуал қабулхона, кейинчалик ҳар бир шаҳар ва туманда очилган Халқ қабулхоналари айнан шу мақсадда тузилди. Одамлар илк бор аризаси тартибсиз идоралар кабинетида йўқолиб кетмаслигини, унга жавоб берилишини ҳис қилди. Бу кичик кўринган бўлса-да, жамиятда ишонч муҳитини яратган қадам эди.

Яна бир мисол хорижга чиқиш билан боғлиқ. Анча йиллар давомида фуқароларимиз МДҲдан ташқаридаги мамлакатларга бориш учун ички ишлар идорасидан чиқиш рухсатномаси олиши шарт эди. Рад этилган одам четга қонуний йўл билан чиқа олмасди. Собиқ иттифоқдан қолган бу тартиб 2019 йил 1 январдан бекор қилинди, унинг ўрнига биометрик паспорт жорий этилди. Бугун талаба хориждаги анжуманга, тадбиркор кўргазмага бемалол учади. Бир пайтлар бунинг учун ҳафталаб кутиш кераклигини ёшларимизнинг кўпчилиги билмайди ҳам.

Пойтахт “прописка”си масаласини ҳам эслаб ўтишимиз мумкин. 2011 йилдаги қонунга кўра Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий рўйхатдан ўтиш фақат 12 тоифадаги фуқароларга рухсат этилган эди. Вилоятдан келган ҳамюртларимиз пойтахтда уй сотиб ололмас, баъзан ишга ҳам киролмасди. Одамлар бу тартибни “АҚШ визасини олишдан ҳам қийинроқ эди”, деб эслайди. 2017 йилдан чекловлар босқичма-босқич юмшатилди, 2020 йилдан эса Тошкентда “прописка”сиз уй-жой сотиб олиш мумкин бўлди. Бу масала нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий масала эди: бир мамлакат фуқаролари ўз пойтахтида тенг ҳуқуқли бўлиши керак.

Инсон қадрининг улуғланишига яна бир мисол борки, эҳтимол у энг таъсирлисидир. Кўпчилигимиз кузакда мактаблар, аудиториялар ва идоралар бўшаб, ҳувуллаб қолишини яхши эслаймиз. Орадан йиллар ўтиб, 2022 йил 1 мартда Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистон пахтаси тизимли болалар меҳнати ва тизимли мажбурий меҳнатдан холи эканини эълон қилди. Бу хулоса 2021 йилги терим мавсумида теримчилар билан ўтказилган қарийб 11 минг сўровномага асосланган. Шундан сўнг халқаро коалиция ўзбек пахтасига қарши “бойкот”ни тўхтатди.

Рақамнинг кўламини тасаввур қилиш учун биргина маълумот кифоя: ҳар йили терим мавсумига қарийб икки миллион киши жалб этиларди. Илгари уларнинг орасида ўз хоҳиши билан эмас, буйруқ билан далага чиққанлар оз эмасди. Бугун асосий тамойил ўзгарди: теримга чиқиш буйруқ эмас, меҳнат шартномаси ва ҳақ эвазига бўлиши керак.



Бу ерда гап фақат экспорт ҳақида эмас. Ўқитувчи дарс ўтадиган, шифокор бемор қабул қиладиган, талаба ўқийдиган бўлди. Ҳар ким ўз ишини қиладиган жамият инсон қадрини ҳурмат қиладиган жамиятдир.

Рақамлар ортидаги тақдирлар

Ижтимоий соҳадаги ўзгаришларни рақамсиз тасвирлаш қийин. Лекин ҳар бир рақам орқасида аниқ оила, аниқ бола, аниқ тақдир турганини унутмаслик керак.

> **Ўйлашимча, инсон қадри, аввало, унинг сўзи тингланишидан, инобатга олинишидан бошланади. 2016 йил 24 сентябрда ишга тушган Виртуал қабулхона, кейинчалик ҳар бир шаҳар ва туманда очилган Халқ қабулхоналари айнан шу мақсадда тузилди. Одамлар илк бор аризаси тартибсиз идоралар кабинетида йўқолиб кетмаслигини, унга жавоб берилишини ҳис қилди. Бу кичик кўринган бўлса-да, жамиятда ишонч муҳитини яратган қадам эди.**

Дастлаб камбағалликдан бошлаймиз. Узоқ йиллар бу сўз расмий доираларда айтилмасди. Бугун у очиқ тан олинади, ўлчанади ва қисқаради. Жаҳон банки билан биргаликда халқаро услубда ўтказилган таҳлилга кўра 2024 йилда камбағаллик даражаси 11 фоиздан 8,9 фоизга тушди. Бир йилда камбағаллар сони қарийб 719 минг нафарга камайди. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил декабрдаги Мурожаатномасида бу кўрсаткич 5,8 фоиз деб келтирилди. Аҳамиятли томони шуки, асосий урғу нафақа тарқатишга эмас, бандлик, тадбиркорлик ва томорқадан самарали фойдаланишга қаратилди. Инсонни боқиманда қилиш эмас, унга оёқда туриб олишга имкон бериш ҳам қадрнинг бир кўринишидир.

Ўзгариш ҳудудларда ҳам сезилади. 2024 йилда Бухоро вилоятида камбағаллик 11,8 фоиздан 8,7 фоизга, Самарқандда 10,5 фоиздан 7,5 фоизга, Қорақалпоғистонда 13,6 фоиздан 10,8 фоизга тушди. Шу йили аҳоли жон бошига реал даромадлар 10,7 фоиз ўсиб, ойига ўртача 2,1 миллион сўмга етди. Албатта, бу рақамлар ҳали ҳамма оилада фаровонлик бор дегани эмас. Лекин йўналиш тўғри экани аниқ.

Таълимдаги ўзгариш янада кўзга ташланади. 2016 йилда болаларнинг атиги 27 фоизи боғчага борарди, бугун бу кўрсаткич 78 фоизга етди. Олий таълимда манзара бундан ҳам таассуротли: 2016 йилда 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг атиги 7,2 фоизи талаба бўлган бўлса, 2024/2025 ўқув йили бошида қамров 47,7 фоизга чиқди. Бугун мамлакатдаги 200 дан ортиқ олий таълим муассасаларида қарийб 1,7 миллион ёш йигит-қизлар таҳсил оляпти.

Қамров ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг ортида бино, ўрин ва энг асосийси, одам туради. Мактабгача таълимдаги тарбиячилар сони 2017 йилдаги 58,4 мингдан бугун 179,5 мингга етди. 2024 ва 2025 йилларда 1 379 та мактаб қурилди ва таъмирланди, натижада 400 мингдан ортиқ қўшимча ўқувчи ўринлари яратилди. Бу тор синфхоналар ва кўп сменали ўқиш муаммоси аста-секин камаяётганини билдиради.

Мен бу рақамларни аудиторияда ҳам сезаман. Бир пайтлар талабалик, асосан, шаҳар ёшларига насиб этарди. Ҳозир журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида дарс берар эканман, узоқ туманлардан, оддий оилалардан чиққан талабалар сони кўпайганини кўраман. Уларнинг кўпчилиги оилада биринчи бўлиб олий маълумот олаётган фарзандлар. “Ижтимоий лифт” деган тушунча айнан шу демакдир.

Учинчи йўналиш — давлат хизматлари. Илгари битта маълумотнома учун бир неча идорани айланиш, навбатда туриш одатий ҳол эди. Бугун ягона порталда 760 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда, фақат 2025 йилнинг биринчи ярмида у орқали 16 миллиондан ортиқ хизмат кўрсатилган. 2017 йилдан буён фуқаролардан талаб қилинадиган 130 дан ортиқ ҳужжат турлари бекор қилинди.

Халқаро баҳолар ҳам шуни тасдиқлайди. БМТнинг электрон ҳукумат ривожланиш индексида Ўзбекистон 2018 йилдаги 87-ўриндан 63-ўринга кўтарилди. Бугун тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш 10-15 дақиқа вақт олади холос.

Бировлар буни техник масала деб ўйлаши мумкин. Аммо ҳар бир бекор қилинган “справка” одамнинг тежалган вақти, асралган асаби ва порахўрга берилмаган пулидир. Идора билан фуқаро орасидаги масофа қисқарган сари коррупция учун жой ҳам торайди.

Қадрнинг ҳақиқий ўлчови

Албатта, ҳамма муаммо ҳал этилди дейиш адолатдан бўлмас. Таълим қамрови кенгайди, энди унинг сифати ҳақида кўпроқ гапиришимиз керак. Диплом олган ёшнинг иш топа олиши, боғчадаги тарбиянинг савияси ҳам қамров фоизи каби муҳим.

Иккинчи масала менталитет билан боғлиқ. Қонун ўзгарди, тизим рақамлашди, лекин айрим идораларда фуқарога “мурожаат қилувчи” деб эмас, “ташвиш туғдирувчи” деб қараш ҳали ҳам учрайди. Бундай фикрлашдан кутиладиган зарар катта. Давлат бир кунда кўп нарсани ўзгартириши мумкин, лекин ходимнинг ички маданияти секинроқ ўзгаради. Шунинг учун давлат хизматидагиларни тайёрлашда ахлоқ, мулоқот маданияти ва коррупцияга қарши туриш кўникмалари асосий ўринда бўлиши керак.

Учинчидан, ислоҳотлар ҳақидаги маълумот одамларга тушунарли тилда етиб бориши зарур. Ҳисоботдаги фоиз кўрсаткичлари фуқарога кўп нарса англатмайди. Унга ўз ҳуқуқидан қандай фойдаланиш, қаерга мурожаат қилиш муҳимроқ. Бу ерда оммавий ахборот воситаларининг иши катта: журналист нафақат ютуқларни, балки ҳал этилмаган муаммоларни ҳам холис ёритиши керак. Танқиддан қўрқмайдиган жамият тезроқ тузалади.

Хўш, “Инсон қадри учун” тамойили қачон ҳаётга кўчади? Қачонки, фуқаро идорага ҳадик билан эмас, ишонч билан кирса, она боласининг келажаги таниш-билишга эмас, илмига боғлиқлигидан кўнгли хотиржам бўлса, ёш йигит омадни четдан эмас, ўз юртидан изласа...

Йўлнинг катта қисми босиб ўтилди. Аммо манзил ҳали олдинда.

Беруний АЛИМОВ,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори, филология фанлари доктори (DSc).

Медиафорум

СЎЗ ВА АХБОРОТ ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Кеча Тошкентда III Ўзбекистон — Россия медиафоруми ўз ишини бошлади. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Россиянинг ТАСС ахборот агентлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур тадбирнинг асосий мақсади ўзгарувчан ахборот майдонида профессионал алоқаларни мустаҳкамлаш, рақобатбардош миллий контент яратиш ва истиқболли қўшма лойиҳаларни ишга туширишдир.



Форумда Ўзбекистон ва Россия давлат идоралари, медиа-холдинглар ва IT компаниялар вакиллари бўлган 200 дан ортиқ делегатлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Коммуникациялар департаменти бошлиғи — Президент матбуот котиби Шерзод Асадов тадбирнинг очилишида таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ўзаро ишонч ҳамда дўстликка асосланган мунтазам мулоқоти мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, жумладан, медиа ва коммуникациялар соҳасидаги алоқалар ривожига кучли суръат бағишламоқда. Муҳими, ахборот хуружлари ва ёлғон хабарлар мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасида ишончсизлик ва келишмовчиликларга сабаб бўлмаслиги керак. Аксинча, сўз ва ахборот ўзаро англашув, ҳурмат ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши зарур.

ТАСС бош директори Андрей Кондрашов Россия — Ўзбекистон муносабатлари мустаҳкам пойдеворга эга эканини таъкидлади. Унинг фикрича, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик мулоқотининг фаол иштирокчисига ҳамда давлатлар, муассасалар ва одамлар ўртасидаги муҳим алоқа каналига айланаётган бугунги кунда икки мамлакат медиа вакиллари ўзаро ахборот алмашиш учун барча имкониятларга эга.

Форум доирасида туризм, спорт ва гуманитар алмашинувларни ривожлантиришда медианинг ўрни, рақамли асрда оммавий ахборот воситаларининг келажаги, ахборот истеъмолининг янги усуллари ва манбалари, медиада анъанавий қадриятлар ва келажак нигоҳининг уйғунлиги каби долзарб масалалар муҳокамалар марказида бўлди. Форум кун тартибидан кибермаконда ахборот хавфсизлиги ва болаларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган семинар ҳамда медиатаълим масаласига бағишланган алоҳида секция ҳам ўрин олган.

Тадбир фақат муҳокамалар билан чекланиб қолмади. Асосий эътибор амалий тажриба алмашиш ва янги ташаббусларни илгари суришга қаратилди. Ташкилотлар ўртасида тўғридан-тўғри B2B музокаралари ўтказилиб, янги ахборот лойиҳалари ва келишувлар муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — МАНФААТЛАР КАФОЛАТИ

Жамоа шартномаси — меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар ҳуқуқлари ва иҳтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратишнинг муҳим ҳуқуқий механизми ҳисобланади. Ушбу ҳужжат орқали қонунчиликда белгиланган кафолатлар мустаҳкамланиши билан бирга, ходимлар учун қўшимча имтиёз ҳамда енгилликлар назарда тутилади. Энг муҳими, унда белгиланган чора-тадбирлар меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш, даромадларини кўпайтириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Ушбу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўз тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, фермер хўжаликларида жамоа шартномаларини тузиш, уларнинг мазмунан мукаммаллиги ҳамда белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлашга устувор аҳамият қаратмоқда.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, жамоа шартномаларида ходимлар учун қулай меҳнат шароитларини яратиш, хавфсизлик талабларига риоя этиш, иш вақти ҳамда дам олиш режимини такомиллаштириш, моддий рағбатлантириш, соғломлаштириш, шунингдек, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ўз ифодасини топмоқда. Бу жамоа шартномаларининг ҳаётий аҳамиятини ошириш, меҳнат жамоаларида ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда ходимларнинг касаба уюшмаларига бўлган ишончини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

— Жамоа шартномаси муҳим локал ҳужжат бўлиб, касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи ўртасида имзоланади, — дейди Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Шоҳида Бегимқулова. — Унда иш ҳақининг ўз вақтида тўланишидан тортиб, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, узайтирилган ҳамда қўшимча таътиллар бериш, ходимларга уй-жой қурилиши ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишлари учун фоизсиз ссудалар ажратиш, ишчи-ходимлар ва улар оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш, моддий ёрдам кўрсатиш каби масалалар ўз аксини топади.

> ***Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда фермер хўжаликларида жорий йилда амалга оширилган ишлар доирасида меҳнаткашларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича 12,7 млрд. сўм маблағ сарфланди. Натижада 18 696 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари турли ёрдамлар билан қамраб олинди. Жумладан, кам таъминланган ёш оилаларга 3,06 млрд. сўм, 210 та оилага уй-жой ва зарур товарлар хариди учун 1,84 млрд. сўм миқдорида фоизсиз ссудалар ажратилди. Иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларнинг 220 нафарига шартнома тўловларини қоплаш учун 1,67 млрд. сўм йўналтирилди.***

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатни айтиб ўтиш лозим. Жамоа шартномасида қонунчиликда белгиланган кафолатлардан ташқари, ходимлар учун қўшимча имтиёзлар ҳам назарда тутилиши мумкин. Хусусан, қийин аҳволга тушиб қолганларга моддий ёрдам кўрсатиш, меҳнаткашлар фарзандларининг таълим харажатларини қоплаш, санаторийларда имтиёзли равишда саломатлигини мустаҳкамлаш, уй-жой ижараси харажатларини қисман қоплаш шулар жумласига киради.

Касаба уюшмаси эса ушбу таклифлар бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириб, ходимларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимояси бўйича зарур чоралар кўрилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда фермер хўжаликларида жорий йилда амалга оширилган ишлар доирасида меҳнаткашларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича 12,7 млрд. сўм маблағ сарфланди. Натижада 18 696 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари турли ёрдамлар билан қамраб олинди. Жумладан, кам таъминланган ёш оилаларга 3,06 млрд. сўм, 210 та оилага уй-жой ва зарур товарлар хариди учун 1,84 млрд. сўм миқдорида фоизсиз ссудалар ажратилди. Иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларнинг 220 нафарига шартнома тўловларини қоплаш учун 1,67 млрд. сўм йўналтирилди.

Бу рақамлар жамоа шартномалари орқали амалга оширилаётган ишлар кўламини кўрсатибгина қолмай, ушбу локал ҳужжатларнинг ходимлар ҳамда уларнинг оиласи ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб, моддий аҳволи яхшиланаётгани ҳам намоён қилади. Зеро, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида инсон қадрини улуғлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида меҳнат аҳли қадр топаётир.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

МАҲАЛЛАНИНГ ТУНУ КУН ИШЛАЙДИГАН МАСКАНИ

Шофиркон туманидаги Бобоато маҳалласининг асосий кўчасида бундан олти ойча муқаддам бўлган киши эндиликда уни танимай қолиши тайин. Бу ерда “Boboato Avenue-7/24” замонавий хизмат кўрсатиш ва дам олиш кўчаси барпо этилгач, ҳудуд тамоман ўзгача қиёфа касб этди.

Имконият

Мазкур гўшада умумий қиймати 1,6 млрд. сўм бўлган лойиҳа амалга оширилди. Тўртта хизмат кўрсатиш иншооти, фаввора, болалар ўйин майдончаси, очиқ ҳаводаги воркаут майдони, сайр қилишга мўлжалланган йўлаклар, замонавий тунги ёритиш чироқлари — буларнинг барчаси маҳалланинг меъморий қиёфасига ўзгача кўрк берди. Эндиликда бу ерда аҳолининг дам олиши, ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароит мавжуд. Хизмат кўрсатиш шохобчалари эса одамлар ташвишини енгиллаштиришга шай.

Айтиш ўринлики, Шофиркон туманида маҳалла ва қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, “Инсон қадри учун” тамойили асосида аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Рақамлаштириш

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ УЧУН ҲАМ, ИСТЕЪМОЛЧИ УЧУН ҲАМ ҲУҒАЙ

Сирдарё вилоятида электр энергиясини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилмоқда.

— Асосий мақсад — исрофгарчилик ва тармоққа ноқонуний уланиб олишга буткул барҳам бериш ҳамда тўловни қатъий тартибга солиш, — дейди “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Сирдарё ҳудудий филиали бўлим бошлиғи Содиқжон Бердибеков. — Шу кунгача вилоятимиздаги 222 мингдан ортиқ истеъмолчилар билан замонавий ҳисоблагичлар орқали ҳисоб-китоб тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, трансформатор пунктлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу хизмат кўрсатиш сифатини янада оширади.

Келгусида соҳада сунъий интеллект технологиялари янада устувор бўлади ва ҳар бир киловатт-соат электр энергия учун тўлов олдиндан кафолатланади. Бу ишлаб чиқарувчи учун ҳам, истеъмолчи учун ҳам бирдек ўнғайлик демакдир.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

Мамлакатимизда иситиш мавсумида эҳтиёжманд оилаларга бир марталик 1 миллион сўм моддий ёрдам берилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.20 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6